Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 26-may, seshanba, № 65 (3570)

Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.

Ислом КАРИМОВ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ЎзА фотомухбири Аъзо АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

...Қўнғироқ жаранги ўқувчилар қалбини ҳаяжонга солади. Улар мактабни тамомлаб катта ҳаётга қадам қўяётганидан эндигина учирма бўлиб, шодликдан осмонда чарх ураётган қалдирғочлардек ҳис этади ўзини. Бу садо кўзлари чарақлаб турган биринчи синф ўқувчилари қалбида ҳам бонг уради. Улар улкан орзулар билан коллежу лицейлар томон парвоз қилишга шайланган акаопаларига ўхшашга, улардек аъло ўқишга, "Билимлар беллашуви" ва фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашга интилади.

ХАЙР, МАКТАБ! САЛОМ, КОЛЛЕЖ!

Мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида ушбу шиор остида тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Қўнғироқ овози йиллар давомида ўз фарзандидек бўлиб қолган ўқувчиларидан кўз узолмаётган устозлар дилини ҳам ажиб ҳисларга тўлдирган. Жажжи болаларнинг чуғурлашиб синфга кириб келган илк кунларидан бошлаб бўйи ўзига тенглашиб, навқирон шахсга айлангунга қадар ўтган вақт уларнинг кўзлари олдида жонланади...

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган тадбирлар ўқитувчи-ю ўқувчилар, ота-оналар учун бир умр эсда қоларли дамларни ҳадя этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида "Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ" деган тамойил асосида мактаб таълимини ривожлантиришга, ёш авлодни эл-юртга содиқ, иймон-эътиқодли, маънан бой, ақлан етук, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2014-2015 ўқув йилида инвестиция дастурига мувофиқ 381 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилгани, 3024 умумтаълим мактаби мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникалари ва спорт анжомлари билан жиҳозланган, 34,5 миллион нусха дарсликлар чоп этилиб, ўқув даргоҳларига етказилгани бу борадаги эзгу ишлар изчил давом эттирилаётганидан далолатдир.

(Давоми 4-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН — БАХТИЁРЛАР МАМЛАКАТИ

ФАХРИЙЛАРГА ЭЪЗОЗ, ЁШЛАРГА ИМКОН

Қамаши туманидаги "Бозор ўғли Абди" фермер хўжалигимиз тасарруфида 200 гектардан зиёд майдон бор. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқлилик йўлидан боряпти. Яъни, ғалла ва пахтадан ташқари ҳар мавсумда давлатга пилла топширамиз. Чорва, парранда боқилаётир, 110 оила асаларимиз бор. Бир гектарда мевали боғ, 9 гектарда тут майдони ташкил этилган.

Айни пайтда 80 гектар ерга экилган ғалла пишиш арафасида. Давлат шартномавий режаси 246 тонна қилиб белгиланган бўлса, уни 300 тоннадан ошириб бажариш ниятимиз бор. 65 гектар майдонга экилган чигит ҳам бехато униб чиқди ва ишчиларимиз унга икки марта ишлов беришга улгурди.

Тутзор оралиғига полиз ва сабзавот экинлари экилган бўлиб, етиштирилган маҳсулотлар ишчи-ходимларнинг тушлик озиқ-овқати эҳтиёжига ишлатилади. Ўзимизда етиштирилган асал, тухум каби калорияли маҳсулотлар ишчилар дастурхонига тортилади.

32 нафар ишчимиз бор. Улардан 12 нафари сувчи. Сувчиларга уч тоннадан, қолган ишчиларга эса бир тоннадан ғалла беришни мўлжаллаяпмиз.

(Давоми 3-саҳифада).

ЁЗ — 2015

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Фарзандларимизнинг таътилни мароқли ўтказиши кўп жиҳатдан мавсумга тайёргарлик жараёни қандай олиб борилаётганига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумини янада намунали ташкил этишга бағишланган ҳудудий семинарлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган семинарда тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган корхона, ташкилот ҳамда муассасалар касаба уюшма қўмиталари раислари, оромгоҳлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари, тарбиячилар ва «Маънавият ва маърифат» хоналари раҳбарлари иштирок этишди.

— Тошкент шаҳар корхона ва ташкилотларининг шаҳар ташқарисидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мавсумда 42 минг 500 нафардан зиёд болани соғломлаштириш режалаштирилган, — деди бирлашма кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов. — Шу жумладан, 26 минг 500 нафар ўғил-қиз 24 та стационар оромгоҳда соғломлаштирилади. 16 минг нафар бола эса пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этиладиган 36 та кундузги оромгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқаради. Айни кунда болалар соғломлаштириш оромгоҳларида таъмирлаш, қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.



Семинарда сўзга чиққанлар мавсумни уюшқоқлик билан, барча имкониятларни ишга солган ҳолда ўтказиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Ёшлик" болалар ёзги дам олиш оромгоҳида ташкил этилган ҳудудий семинарда 18 та оромгоҳ ва таълим муассасалари қошида ташкил этилган юздан ортиқ кундузги соғломлаштириш масканлари ходимлари, Ишчи гуруҳ вакиллари қатнашди.

— Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда, — дейди бирлашма кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳноза Одилхонова. — Оромгоҳларда олиб бориладиган тарбиявий ишларда миллийлик ҳамда ватанпарварлик ғояларига ҳамоҳанг куй-қўшиқ ва филмлардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ходимларга болаларбоп шеър ва қўшиқлардан иборат дисклар, "Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун тадбирлар сценарийлари" тўпламлари, услубий қўлланмалар, тавсиялар тарқатилди.

Тадбир доирасида соғломлаштириш мавсумини кўтаринки руҳда бошлаш ва уюшқоқлик билан давом эттиришга қаратилган турли мавзуларда шўъба машғулотлари ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Б. Маҳмадалиев иштирок этди.

* * *

Бухоро вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда оромгоҳларнинг бугунги аҳволи таҳлил қилиниб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари юзасидан тегишли мутасаддилар ахбороти эшитилди. Оромгоҳлардаги ётоқхона, ошхона ва тиббиёт хоналарини, чўмилиш ҳавзалари, кутубхоналарни таъмирлаш ишларини жадал олиб бориш, барча иншоотлар муҳандислик-коммуникация тармоқларини техник кўрик ва синовдан ўтказган ҳолда электр энергияси, газ, сув ва алоқа таъминотларида узилишларга йўл қўймаслик, хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(Давоми 2-саҳифада).

ТИББИЁТ

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, айниқса, уларни соғломлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Яқинда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамда Корея Республикасининг "Vision Care Servise" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида тиббий кўрик ташкил этилди. Жанубий Кореядан келган офтальмологлар иштирокида Бухоро ва Навоий вилоятларидан 700 дан зиёд бемор ташхис-текширувдан ўтказилди. Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказидаги шарт-шароитлар, замонавий асбоб-ускуналар тиббий кўрикнинг самарали ўтишида муҳим аҳамият касб этди. Юзга яқин кексаларнинг кўзидаги катаракта олиб ташланди ва сунъий кўз гавҳари қўйилди. Уларга хорижлик мутахассислар томонидан дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари бепул тарқатилди. Жарроҳлик амалиётларида вилоят кўз касалликлари шифохонаси ҳамда кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокор ва ҳамширалари иштирок этди.

Нигина МАМАТҚУЛОВА

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

НАМАНГАНДА КИТОБ БАЙРАМИ

Наманганда "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди.

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Таниқли адиблар, олимлар, ноширлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган китоб байрами тадбири муҳим аҳамият касб этаётир.

— Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги ёшлар ахборотни кўпроқ замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали олмоқда, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари Жамолиддин Боқиев. — Бироқ ҳаётда китобнинг ўрни, аҳамияти асло йўқолмайди. Тадбирда ташкил қилинган китоблар кўргазмасига ташриф буюрувчилар кўплиги ҳам шундан далолат беради.

Наманган вилояти ахборот-кутубхона маркази, вилоят Болалар кутубхонаси, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари томонидан ташкил этилган кўргазмаларда намойиш этилган китобларнинг полиграфик сифати ва дизайни юқорилиги юртимизда ноширлик ва матбаа саноати ривожланаётгани, китобхонлик маданияти юксалаётганини кўрсатди.

— Коллежда ёшларнинг замонавий билим эгаллаши, ўқиб изланиши учун барча шароит яратилган, — дейди Наманган санъат коллежи ўқувчиси Юнусхон Аҳмадалиев. — Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган бой кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Бугунги тадбирда китоб дунёсининг ниҳоятда ранг-баранг ва кенглигини яна бир бор ҳис этдим. Оиламизда бобомдан мерос қолган китобхонлик анъанаси давом этаётир. У киши бизга болалигимиздан Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб ғазалларидан ўқиб берардилар. Китоб байрамидан бир дунё маънавий озуқа олдим.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри санъаткорлари иштирокидаги концерт дастури, ёзувчи ва шоирларнинг мушоиралари китоб байрамига янада кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири

2015-yil 26-may, seshanba, № 65 (3570), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

***

Шунингдек, "Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" акциядорлик жамиятига қарашли "Ёш пахтакор" оромгоҳида ўтказилган ўқув-семинарда дастлаб вилоятдаги оромгоҳларнинг ўтган йилги фаолияти таҳлил қилинди. Бу йил вилоятдаги шаҳардан ташқари оромгоҳда 6600 нафар, кундузги оромгоҳларда 10500 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, 100 нафар иқтидорли ўқувчи, "Меҳрибонлик уйи"нинг 140 нафар тарбияланувчисини касаба уюшма маблағлари ҳисобидан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 нафар фарзанди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг маблағи ҳисобидан бепул соғломлаштирилади. Тадбир иштирокчилари намунали оромгоҳлардан бири —"Ёш пахтакор"нинг мавсумга тайёргарлик жараёнлари билан танишди.

***

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган ўқув-семинарда таъкидланганидек, вилоятда бу йил режага кўра 19 та кундузги оромгоҳда 2600 нафар ва 3 та стационар турдаги оромгоҳда 1900 нафар бола дам олдирилади.

— Оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог-ходимлар, тарбиячи, етакчи ва тўгарак раҳбарлари, мусиқа ўқитувчилари, кутубхоначилар учун вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқувлар ташкил этилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.Эрматов. — Шунингдек, оромгоҳларда бадиийижодий, техник, экологик ҳамда спорт тўгараклари фаолияти намунавийлиги, инглиз тили тўгаракларини жиддий эътиборга олганмиз. Кундузги оромгоҳларда ҳам инглиз тилидан дарс берувчи малакали ёш ўқитувчилардан иборат тарбиячилар рўйхати шакллантирилди.

Семинарда "Сирдарё" оромгоҳи раҳбари Мурод Аллаёровга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғаси топширилди.

Семинар савол-жавоб тарзида давом этди.

***

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида жойлашган "Камалак" оромгоҳида ташкил этилган кўргазмали ўқув-семинарда долзарб саволларга жавоб изланди.

Унда мавсумни намунали ўтказишда масъул бўлган ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари тайёргарлик ишлари ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, мавсум давомида соғломлаштириш жараёни иштирокчилари эътибор қаратиши шарт бўлган жиҳатлар таҳлил этилди.

— Болаларга қаратилаётган эътибор замирида келажак ҳақида қайғуриш ётади, — деди Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Зулайҳо Маҳкамова. — Шуни ҳисобга олган ҳолда, вилоятимизда жорий йилда дам олдириладиган 17 100 нафар болажоннинг ҳар бири учун ёзнинг нафақат соз ўтиши, балки дунёқарашини шакллантириш, маънавий дунёсини бойитишда фойдали бўлишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, оромгоҳ раҳбарларига Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги Низом, республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси, вилоятдаги оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича хизмат турлари, овқатланиш меъёрлари ва бошқа меъёрий тарқатма ҳужжатлар тақдим этилди.

***

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган семинарда ЎзКУФК вакили А.Бердиёров мавсумни юқори савияда ташкил этишда касаба уюшмаларининг роли тўғрисида маъруза қилди ва бу борада ўз тавсияларини берди.

Ўз навбатида, мавсумга тайёргарлик бўйича ахборот берилди. Жорий йилда вилоятда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш режаси 26240 нафар этиб белгиланган бўлиб, шундан 16180 та йўлланма учун ижтимоий суғурта фондидан маблағ ажратилиши, 10060 нафар ўғил-қизни дам олдириш туман, шаҳар ҳокимликлари, "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда ҳомий ташкилот, корхона ва тадбиркорлар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган. 3600 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари, 160 нафар "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ҳамда 100 нафар иқтидорли ўғил-қиз бепул соғломлаштирилади.

Шунингдек, оромгоҳларда малакали тиббий профилактик ёрдам кўрсатилиши, уларни мавсумга тайёрлаш, хавфсизликни таъминлаш, қўриқлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этиш, оромгоҳларда маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш масалалари хусусида сўз юритилди.

***

Фарғонанинг Қувасой шаҳридаги "Ниҳол" болалар оромгоҳида ташкил этилган ўқув-семинарни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Валишер Азизов очиб, мавсум арафасида олиб борилаётган тайёргарликлар, йўл қўйилган баъзи камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, мавсумни беталофат ўтказиш борасида қилиниши лозим бўлган масалаларга тўхталди.

Бу йил вилоятда 30 минг нафар бола 19 та шаҳар ташқарисидаги, 102 та кундузги оромгоҳларда дам олдирилади. Мавсумни юксак савияда ўтказиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Тадбир давомида ҳар бир мутасадди идоралар вакиллари ўз соҳаларига тегишли бўлган кўрсатмалар билан ўртоқлашди.

Семинар иштирокчилари "Ниҳол" оромгоҳида яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

***

Хоразм вилоятида бу йил 33 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда 11190 нафар ўқувчи соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шу кунларда ушбу оромгоҳларни зарур адабиёт, қўлланма ва инвентарлар билан жиҳозлаш якунланмоқда.

Хонқа туманидаги "Соғлом авлод" оромгоҳида Хоразм вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган ўқув-семинарда оромгоҳлар фаолиятини самарали ташкил қилиш масаласи муҳокама этилди. Семинарни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Равшанбек Жабборов олиб борди.

Семинарда мутасадди ташкилотлар вакиллари мавсумга тайёргарлик юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида ахборот бердилар. 2014 йил мавсумида фаолиятни самарали ташкил қилган бир қатор оромгоҳлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиқлари ва спорт инвентарлари билан тақдирланди.

Шундан сўнг ўқув-семинар машғулоти дастурига мувофиқ, етти йўналишда — оромгоҳ бошлиқлари, тарбиячилари, етакчилари, тиббиёт ходимлари, оромгоҳдаги ички ишлар ходимлари, спорт йўриқчилари, ҳисобчилар билан алоҳида шўъба машғулотлари олиб борилди.

***

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган семинар ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишда мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари мавзусига бағишланди.

Бирлашма кенгаши раиси Н.Пардаев таъкидлаганидек, вилоятда ҳар йили болаларни ёзги соғломлаштиришдек муҳим ишга ғоятда масъулият билан ёндашилади. Жорий йил шаҳар ташқарисидаги 14 та стационар, мактаблар қошидаги 59 та кундузги оромгоҳларда жами 9425 нафар бола дам олдирилади. Ҳозирда барча оромгоҳларда сўнгги тайёргарлик ишлари ниҳояланиб, қабул комиссияларига топширилмоқда.

Семинарда мавсумни ташкил этишга масъул ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари белгилаб олинди. Бу ҳақда вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари мутасаддилари, шунингдек, "Камолот" ЁИҲ, алоқа, савдо ташкилотлари масъуллари сўзга чиқишди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

***

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган семинарда ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, тегишли вазирлик ва барча туман ҳокимликларидан вакиллар қатнашди.

Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раисининг ўринбосари Улуғбек Жалменов ўз маърузасида мавжуд стационар ва кундузги дам олдириш марказларида амалга оширилган тайёргарлик ишлари ва айрим камчиликларни бартараф этиш хусусида сўз юритди. Жорий йилда республикадаги 6 та стационар оромгоҳда 3740 нафар ва 20 та кундузги соғломлаштириш марказида 7260 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Шунингдек, 3000 нафар Оролбўйи ҳудуди болалари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидаги сўлим ва баҳаво оромгоҳларда соғломлаштирилади. Ҳудуддаги ўнта меҳнат ва дам олиш марказлари мавсумга шай этиб қўйилган.

Семинар сўнгида оромгоҳларда ишларни намунали ташкил этиш бўйича алоҳида гуруҳларда машғулотлар ўтказилди.

***

Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Х.Қулниёзов оромгоҳида ўтган кўргазмали семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов мавсумга тайёргарлик хусусида алоҳида тўхталди.

— Бу йилги мавсум ҳар йилдагидан мазмунли ўтади, — деди у. — Чунки феврал ойидан буён ҳар бир оромгоҳ деярли қайта таъмирланди. Вилоятимиз бўйича 5000 нафар бола тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган оромгоҳлар, 13000 нафар фарзандимиз 122 та ихтисослаштирилган мактаб ва коллежлар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда дам олдирилади. Мавсум давомида оромгоҳларда коммунал соҳа, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ таъминотида мутлақо узилиш бўлмайди. Кўнгилочар маданий-маърифий, спорт тадбирлари узлуксиз ўтказилиши режалари ишлаб чиқилган. Бир сўз билан айтганда, болажонларнинг бу йилги ёз мавсумини мароқли ўтказиши учун барча имкониятлар яратилган.

***

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида оромгоҳлар ҳамда барча ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган ўқув-семинарда ҳам шу каби масалалар муҳокама этилди.

Айни пайтда вилоят ҳудудида 14 та шаҳар четидаги оромгоҳ фаолият кўрсатяпти. Мазкур стационар ҳамда мактаблар қошида жойлашган кундузги оромгоҳларда 21 минг 600 нафар ўғил-қиз дам олдирилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, оромгоҳларни мавсумга сифатли тайёрлаш, Манзилли дастур асосида янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши мутасадди идоралар вакиллари томонидан доимий назоратга олинди. Натижада, оромгоҳлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмоқда.

Ўқув-семинарда масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Оромгоҳ бошлиқлари, педагог ходимлар ва ҳисобчилар учун алоҳида машғулотлар ташкил этилди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Матбуот анжумани

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)да қайта суғурталаш сиёсати ва уни компаниянинг молиявий барқарорлиги ҳамда ривожига таъсири» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШ СИЁСАТИ

Қайта суғурталаш қалтисликни (рискни) қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизимидир. Қайта суғурта қилиш шартномаси бир томондан суғурта компаниялари ўртасида ўзаро ёки қайта суғурта брокерлари хизматидан фойдаланилган ҳолда тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи олдида (ушбу шартномага асосан) суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади.

Компанияда ихтисослашган департамент тузилганидан сўнг кирувчи қайта суғурта йўналиши бўйича фаолиятни амалга ошириши, суғурта бозоридаги суғурта компанияларининг таклиф қилган қалтисликларини тўғри баҳолаши, йирик қалтисликларни қайта суғуртага қабул қилиши, чиқувчи эса қайта суғурта йўналишига доир фаолиятни амалга ошириб, қалтислик даражаси юқори бўлган қалтисликларни ички суғурта бозорида жойлаштириши белгиланган.

Қайта суғурталаш департаменти ходимлари малакасини ошириш мақсадида уларнинг чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари ташкил этган семинар, ўқув тренингларда иштироки режалаштирилди.

2013 - 2015 йиллар мобайнида компания томонидан 26 та суғурта, 1 та Ҳаёт суғурта компанияси, 2 та суғурта брокери ҳамда 2 та хорижий қайта суғурта брокери билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Ўтган йил 1000 дан зиёд, жорий йилнинг 1 чорагида 554 тадан ортиқ йирик қалтисликлар бўйича суғурта мажбуриятлари бошқа суғурта компанияларидан қайта суғуртага олинди.

Чет эл суғурта бозорларида компания нуфузини ошириш, улардан қалтислик қабул қилиш, суғурта портфелидаги йирик қалтисликларни хорижий суғурта компанияларида жойлаштириш мақсадида «1пЯе» суғурта ва қайта суғурта брокери, Россиянинг «Скала», Қозоғистоннинг «МОИ» Қайта суғурта брокерлари билан алоқа ўрнатилган бўлиб, айни пайтда Европа суғурта бозорига чиқиш учун «8СОЯ» француз қайта суғурта компанияси билан ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб борилаётир.

Ўтган йил суғурта тўловлари 10,00 млрд. сўмдан ошиқ тўлаб берилган бўлса, шундан 10 фоизи қайта суғурта тўловларига тўғри келди. Республикадаги бошқа суғурта компанияларига хизмат кўрсатиш йўли билан уларнинг йирик мижозларига қўшимча кафолат тақдим этилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

ФАОЛЛАРИМИЗ

Янги келган ходимнинг "Касаба уюшмаси ўзи қандай иш билан шуғулланади", деган киноясн анча оғир ботди. Лекин, начора... Баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Йиғилишда янги тузилган жамоа шартномаси ўқитувчилар билан муҳокама қилинди. Шунингдек, моддий ёрдам сўраб ёзилган аризалар кўриб чиқилиб, меҳнат фахрийлари билан ўтказиладиган учрашув режаси тузилди. Йиғилиш сўнгида ярим асрни қаршилаган икки нафар фидойи педагог ходимга касаба уюшма томонидан эсдалик совғалари топширилди. Мажлис якунлангач, янги ходимнинг хижолатомуз чеҳраси унинг диққатини тортди.

ФИДОЙИЛИК

— Тўғрисини айтсам, гапимдан уялдим. Баҳонада интизомий ва маъмурий жазонинг фарқини ҳам яхши тушуниб олдим, — деди у.

— Лекин мен узрингизни қабул қилолмайман, — деди опа унга синовчан боқиб. — Яқинда туман касаба уюшмаси томонидан "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақалари ташкил этилади. Сиз оилангиз билан қатнашиб, мактабимиз шарафини ҳимоя қиласиз, шундан кейин...

Йигит бу таклифни бажонидил қабул қилиб, хонадан мамнун қиёфада чиқиб кетди.

Умида Мираҳмедова 10 йилдирки, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 19-умумтаълим мактабида бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси. 45 нафар педагог, 20 нафарга яқин ишчи-ходимдан иборат жамоада касаба уюшмаси алоҳида ўринга эга.

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши билан ҳамкорликда кўплаб тадбирларни амалга оширамиз, — дейди у. — Бу йил 40 ёшдан ошган аёл педагоглар ўртасида спортнинг волейбол, қўл тўпи, шахмат тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Ўқитувчиларнинг соғлиғини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланма бериш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил этиш ҳам режа бўйича олиб борилади, — дейди мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Акромова. — Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан кўплаб тадбирларни режалаштириб қўйганмиз.

Чорак асрдан бери педагоглик касбини эъзозлаб келаётган Умида Мираҳмедова меҳнат таълими фанидан дарс беради. Ҳамкасбларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшаётганидан, айниқса, хурсанд.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ЕТАКЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг тармоқ тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва ташкилотчилари учун «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшма фаолиятини намунали ташкил этиш» юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда тармоқ Республика кенгаши, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари ҳамда касаба уюшма қўмиталари етакчилари қатнашди.

Унда сўз олганлар бошланғич ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар, меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитларда касаба уюшмаларининг роли тўғрисида гапириб, 2015 йилдаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратишди.

Баҳс-музокаралар асосида ўтган ўқув-семинарда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Феруза ЭРМАТОВА, Наманган вилояти

Қарши шаҳрида Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Норасмий меҳнатни чеклаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказди. Унда тадбиркорлар, ҳунармандлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тармоқдаги йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари, туман кенгашлари раислари иштирок этди.

НОРАСМИЙ МЕҲНАТ — ТАШВИШ, УҚУБАТ

Семинарда сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов мамлакатимизда тадбиркор ва ҳунармандларга яратилган шароитлар ҳақида сўз юритиб, норасмий меҳнат жабрини тортаётган, ҳуқуқлари тўла ифода этилмаётган инсонлар кўпайишининг олдини олишда мутасадди ташкилотларнинг вазифаларига урғу берди.

Шунингдек, ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирларининг "Ҳунарманд" уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят бўлими, Марказий банк, вилоят давлат солиқ бошқармаси, интеллектуал мулк агентлиги масъул ходимлари ва кичик бизнес вакиллари маъруза қилишди.

— Расмий меҳнатнинг афзалликлари, банк кредитларининг кичик бизнесни ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти, солиқ қонунчилигида оилавий корхоналарга бериладиган имтиёзлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳақидаги маърузаларни катта қизиқиш билан тингладим, — деди тармоқ касаба уюшмаси Қамаши туман кенгаши раиси Эшбой Қулмуродов. — Тинч ва осуда мамлакатимизда тадбиркорларга шунчалик катта имтиёзлар, енгилликлар берилаётир. Ёшлар бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари лозим.

Акмал АБДИЕВ, "Ishonch" мухбири

2015-yil 26-may, seshanba, № 65 (3570), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон — бахтиёрлар мамлакати

ФАХРИЙЛАРГА ЭЪЗОЗ, ЁШЛАРГА ИМКОН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Дунёнинг бирор давлатида фермерлар учун биздагидек қулай шарт-шароит яратилмаган бўлса керак. Президентимиз раҳнамолигида фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва преференциялар беришнинг самарали тизими ишлаб чиқилиб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг молиявий ва иқтисодий жиҳатдан тезда оёққа туриб олиши учун қулай имконият яратаяпти. Масалан, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, ирригация тизимини барпо қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун маблағлар давлат бюджети томонидан молиялаштирилмоқда. Уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари дейсизми, кимёвий воситалар бўладими — буларнинг бари дала бошигача етказиб берилаётир. Энди ўзингиз холисона айтинг: деҳқон учун шароит бўлса, шунчалик бўлади-да!

Юртбошимизнинг "Фермер бой бўлса — мамлакат обод бўлади" деган пурмаъно сўзларидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳанинг ҳуқуқий асос ҳамда кафолатларини яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ер майдонларини мақбуллаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, одамларнинг ерга, мулкка эгалик ҳисси ошиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кўтарилиши баробарида, етиштирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланаяпти.

Президентимиз фармонларига биноан меҳнатларим юқори баҳоланиб, 1999 йили "Меҳнат шуҳрати", 2008 йили "Эл-юрт ҳурмати" орденлари, 2011 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими", 2014 йилда эса "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонлари берилди.

Қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Айниқса, ёш авлоднинг соғлом ва билимли бўлиб вояга етиш йўлида қурилган, қурилаётган мактаб, касб-ҳунар коллежлари ҳамда болалар спорт мажмуаларига боқсам, дилим ғурурга тўлади. Уларнинг жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлангани, таълимдаги ислоҳотлар эртанги кун эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг исботидир. Бундай шароитларда таҳсил олган ёшларнинг билим ва салоҳияти теран бўлиши муқаррар.

Биз яшайдиган Чим қишлоғи хусусида тўхталсам, ҳар бир хонадон ичимлик суви билан таъминланган. Муҳташам болалар спорт мажмуаси ўғил-қизлар билан гавжум. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида ёшлар иш билан банд. Намунавий лойиҳа асосида қурилаётган замонавий уйлар эса шаҳардагидек шароитларни кўз олдингизда намоён қилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани барча қатори мени ҳам тўлқинлантирди. Қишлоғимизда юз ёшга яқинлашган нуроний кексалар кўп. Икки нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси яшайди. Бири 98, иккинчиси 94 ёшга кирган. Уларнинг тетик ва бардамлиги эътибор ва эъзознинг маҳсулидир.

Режаларимиз кўп. Маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаяпмиз. Мевани қайта ишлаш цехини ишга туширсак, 12 та янги иш жойи барпо этилади.

Абдимурод БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЎзА суратлари

Хотира ва қадрлаш куни арафасида соғлиқни сақлаш тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган 50 нафарга яқин меҳнат фахрийларининг хонадонларига бордим. Уларга Врачлар ассоциациясининг совғалари ва пул мукофотларини топширдик.

ҚАДДИ БАЛАНДЛАР

Мен узоқ йиллар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашига раислик қилганман, вилоят Онкология диспансерида бош шифокор бўлиб ишлаганман. Инсон ҳаётини сақлаб қолиш биз учун ҳар доим ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Бугунги кунда вилоят Онкология диспансери жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирланиб, энг сўнгги русумдаги тиббий анжомлар билан жиҳозлаш жараёни давом этмоқда. Бунинг эвазига эса онкологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш имконияти пайдо бўлмоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт муассасалари хусусида шундай фикрларни билдириш мумкин.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида инсонларнинг саломатлик ва узоқ умр кўриш кўрсаткичлари яхшиланди, тиббий маданияти юксалди. Бугунги фаровонлик, тўкинлик, тинчликни кўриб, ҳамманинг ҳам 90-100 йил умр кўргиси, асрни қаритгиси келади.

Урганчнинг кун-кундан чирой очиб бораётган кўчалари бўйлаб кезар эканман, ҳаётга, атрофга завқ-шавқ билан боқаётган кексаларга ҳар қадамда дуч келаман. Уларни суҳбатга тортсам, уйда ўтириб қолишни, хасталанишни истамасликларини, чиройли кўчаларда сайр қилиб, ўзларини ёш ва бардам ҳис қилишларини айтишади. Айниқса, янгиланган Шовот канали бўйида бир соат сайр қилган киши ўн ёшга яшариши турган гап. Бу ҳудудда эрталаблари жисмоний машқ билан шуғулланаётган кўплаб ёши улуғ инсонларни учратасиз.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан кўплаб корхона ва ташкилотларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Уларда ёши улуғ инсонлар ўз ҳаёт ва фаолиятлари, оғир шароитларда яшаб, болаликдан оғир меҳнат билан шуғулланганликлари, баъзан бир бурда нонга зор қолганликлари ҳақида кўзда ёш билан гапириб, бугунги тинч ва осуда кунларни, фаровонлик ва тўкинликни қадрлашга қайта-қайта ундайдилар. Ушбу учрашувларда шифокор сифатида мен бир нарсани ҳис қиламан. Ёшлар қўлидан бир қучоқ гул қабул қилиб олган ҳар бир ёши улуғ инсон танасини ҳар қандай касаллик тарк этади, руҳияти кўтарилиб, кўнгли яшаради.

Бахтиёрлар мамлакатида яшаётганимизни ҳар қанча эътироф қилсак, бундан ҳар қанча ғурурланса, шунча кам. Бундай имкониятни бизга мустақиллик ва унинг бош меъмори ҳадя қилди. Бунинг учун чексиз миннатдормиз.

Светлана ПОЛВОНОВА,
Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Хоразм вилоят бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди

Тинчлик, хотиржамлик туфайли ўтаётган ҳар бир кунимиз файзли, турмушимиз фаровон. Ота-боболаримиз юртинг, оиланг тинч бўлса, сен тинчсан, дея бекорга айтмаган. Мамлакатимизнинг изчил тараққий этаётгани, ҳар соҳада ривожланиш кўзга ташланаётгани боиси ҳам аслида, тинчликдан. Одамлар меҳнатига яраша қадр кўрмоқда. Ҳаракат қилган одам борки барака топаяпти.

ТИНЧЛИК ҚАДРИ

Бу йил "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида нишонланган Хотира ва қадрлаш куни ўзига хос байрам қилинди. Фаровон ҳаётимиз учун жонини фидо қилган, халқ, Ватан олдидаги бурчларини мардонавор бажарган юрт фарзандлари хотираси ёдга олинди. Фронт ортида меҳнат қилганларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Президентимиз 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервюсида тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритиб, «бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак!» деб таъкидлади.

Узоқни кўзлаб қилинган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда. Фарзандларимиз биздан кўра минг чандон яхшироқ яшаётганига гувоҳмиз. Энди истиқлол фарзандлари — неваралларга келсак, уларни бундан-да бахтиёр, порлоқ дамлар кутаётганига имоним комил.

Истиқлол шарофати боис ҳаж ибодатини бажаришга мушарраф бўлдим. Муборак гўшада туриб юртимизга тинчлик, ҳаётимизга фаровонлик тиладик. Ҳозир ҳар бир юртдошимиз бундай шарафга эришишига кенг имкониятлар яратилган.

Касбим педагог. Бир умр ёшлар тарбияси билан машғул бўлганман. Айни чоғда тенгу тўшлар қаторида қарилик гаштини сураяпман. Бу кунларга етказганига шукр, дейман.

"Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтинги юртимизда одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганидан дарак бериб, ютуқларимизни жаҳон тан олаётганининг амалий ифодаси бўлди. Бу эса доно Йўлбошчимизнинг одилона сиёсати, эртасига ишончи барқарор фидойи халқимизнинг меҳнати ва садоқати самарасидир.

Қиличбой СИНДОРОВ,
меҳнат фахрийси.
Қўшработ туман
Шова қишлоғи

Истиқлолига чорак аср тўлмаган давлатимизнинг бахтли мамлакатлар рўйхатида туришининг ўзи биз учун катта фахр. Юртимиздан юқори ўринларда эътироф этилган давлатларнинг аксарияти мустақиллигини қўлга киритганига 100-200 йил бўлган. Юртимиздаги иқтисодий салоҳият, фаровонлик даражаси ва фуқароларнинг ўз ҳаётидан мамнунлиги давлатимизни бахтли мамлакатлар сафига қўшди.

БАХТИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Мустақиллигимизнинг илк дамларидан бошлаб Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб борган доно сиёсати, кенг кўламдаги ислоҳотлар натижалари бугун барча соҳаларда намоён бўлмоқда. Бир пайтлар оддий гугурт ҳам четдан келтирилган бўлса, бугун юртимизда замонавий технологияларга асосланган йирик корхоналар фаолият юритиб, ишлаб чиқарган маҳсулотлари "Made in Uzbekistan" белгиси остида хорижга экспорт қилинмоқда. Автомобилсозлик, нефт ва газни қайта ишлаш, телекоммуникация ускуналари, маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида эришган ютуқларимиз ҳам салмоқлидир.

Бу каби юксалишлар аҳоли фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилди. Бугун телевизор, музлаткич, ошхона электр жиҳозлари, кир ювиш машиналари йўқ хонадонни тасаввур этиб бўлмайди. Баъзи оилаларда иккитадан автомобил борлиги аҳоли турмуш даражаси ва манфаатдорлигининг ошиб бораётганини кўрсатади. Қишлоқларимиздаги ободлик, бунёдкорликни кўриб кўзинг қувнайди. Айниқса, ёш оилалар учун барпо этилаётган намунавий уй-жойлар аҳоли ҳаёт сифатини яхшиламоқда.

Аҳоли саломатлиги йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, жаҳон стандартларига мос шифо масканлари қурилиши, тиббий хизмат сифати яхшиланиши одамлар соғлигини мустаҳкамлаб, улар умрининг узайишида муҳим омил бўлмоқда. Тинчлик-осойишталик ҳукмрон юртдагина инсон ҳаётидан рози бўлиб умр кечиради. Юртимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатлик, халқимизнинг қўлни-қўлга бериб, ягона мақсад сари интилаётгани, энг муҳими, барқарор муҳит эришаётган муваффақиятларимиз гарови бўлаяпти.

Узоққа бормай, вилоятимиз миқёсида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига бир назар солайлик. Асрлар бўйи ҳувиллаб ётган Маликчўл ҳудудида Навоий эркин-индустриал зонанинг ташкил этилишини ким хаёлига келтирибди, дейсиз. Бу ердаги Халқаро аэропорт қанчадан-қанча ҳамкор ташкилотлар юкларини осонгина манзилларига етказиб бераётир. Юзлаб қўшма корхоналарда маҳаллий йигит-қизлар иштиёқ билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, таълим соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар таҳсинга сазовор. Биргина бизнинг институтда ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Кейинги 2-3 йилда Навоий шаҳридаги «Умид» қўрғончасида барча шароитларга эга бўлган талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди. Қарийб уч гектарлик майдонда Талабалар боғи барпо қилинди. Бўлғуси мутахассисларнинг билим ҳамда иқтидорларини намойиш этиши учун барча имкониятлар яратилди. Битирувчи босқич талабаларининг ҳар бирига уч томонлама меҳнат шартномалари тузилган бўлиб, улар ҳеч бир қийинчиликсиз ўз иш жойига эга бўлишади.

Бундай оламшумул ўзгаришларни кузатиб, кўнглимдан шундай ўйлар кечади: илоҳим, ҳозирги осуда ва баҳамжиҳатликда кечаётган давру давронимизга кўз тегмасин.

Абдували ҚЎШВАҚОВ,
Навоий давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректори

ЯШАРИШ САОДАТИ

Назаримда, одамзот бу дунёда учта умид билан яшайди: муносиб оила, ўзи севган касбда ишлаш ва кўнгил хотиржамлиги. Ана шу уч умиднинг бир-бирига уйғунлашиб кетмоғи учун бир қўрғон керакки, унинг иссиқ паноҳида рўзғоринг дахлсиз, дастурхонинг тўкин, фарзанду невараларинг соғлом ва бахтиёр бўлса. Иш жойингда қадр-қиммат-инг, ўрнинг, меҳнатингга яраша мавқеинг сезилиб турса. Ушбу сарҳадлар узра қулоч ёйиб, эркин нафас олиб ишласанг.

Минг шукрлар бўлсинки, шундай бахтиёр қўрғоним бор. Бу истиқлол шарофатидан яшнаб турган она-Ўзбекистонимдир. Отаси аравакаш, онаси чопиқчи бўлиб ўтган оддий бир ишчининг ҳаётида мустақиллик қандай из қолдирди, деб сўрасангиз, жавобим тайин. Шу буюк тарихий воқеа юз берганда камина 35 ёшда эдим. Оқу қорани таниб, ҳаётда содир бўлаётган воқеаларни унча-бунча фаҳмлаб қолгандим. Тўрт фарзандли каттакон оиланинг бошлиғи эдим-да.

Мустақиллик эълон қилинганда ҳар бир фуқаро теварак-атрофига бир қараб олганини ўзимча англаб етганман. Ўшанда баъзи одамларда ишончсизлик, ҳадик-хавотир бегона эмас эди. Энди нима қиламиз, деб иккиланганлар ҳам бор эди. Шукрки, истиқлолдан баҳра олиб, унинг буюк неъмат эканлигини дилдан ҳис қилиб, қадамни катта олдик, улуғ мақсад — мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида янада жипслашдик. Қўлни-қўлга бериб, истиқлол учун қувониб ишладик. Президентимизнинг халққа эҳтироми, азалий қадриятларга эътибори, юртимиз фуқароларининг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши йўлидаги эзгу саъй-ҳаракати бизга қувват бағишлади. Йўлларимизни ёритди.

Мустақиллик бунёдкорлик жабҳаларидаги умумий сафарбарлигимизни шакллантириш билан бирга ҳар биримизнинг имкониятларимизни баҳолаш, шахсий масъулиятни қарор топтириш фазилатини ҳам ато этди. Мустақил бўлиб энди шунга ярашиғли нима иш қилмоқчисан, деган мулоҳаза ҳар бир кишининг кўнглидан кечди. Шу тариқа Мустақиллик бизни, аввало руҳан, маънавий-ахлоқий жиҳатдан чиниқтира борди.

Истиқлол менинг ҳаётимда ҳам бурилиш нуқтаси бўлди. Ўз касбимга, кундалик ишларимга муносабатим янгиланди. Уч-тўрт марта малака ошириш ўқишига бордим. Ҳамкасбларим, жамоадошларимга туғишгандек меҳрибон бўлдим. Ҳар бир куним, ҳар бир ишим учун ўзимга-ўзим ҳисоб беришга ўргандим. ЭЛБР-1 русумли темир йўл қурадиган йирик машинанинг ҳар бир мурватини ўргандим.

Бугун тақдиримдан мамнунман. Ахир мамлакатимизнинг энг катта Навоий-Султон Увайс-тоғ-Нукус, Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишларида иштирок этдим. Илгари одамлар етти ухлаб тушига кирмайдиган жойлардан — баланд тоғлардан, тубсиз даралардан ошириб темир йўллар қурдик. Элимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек шарафли ишларни уддаладик. Жасоратимизни бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этди. Темир йўл қуриш бўйича хориж давлатларидан бизга буюртмалар туша бошлади. Мустақиллик бизни жаҳонга танитди. Мустақиллик бизга эрк, бахт, беминнат ризқ-насиба, барқарор фаровонлик кафолати бўлди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида одамлари бахтиёр мамлакат деб эътироф этилган жондан-да азиз Ўзбекистонимиз, мустақиллигимиз руҳини юраккa жо айлаб, унинг янада равнақ топиши йўлида камарбаста эканлигимизни таъкидлаш менга завқ-шавқ бағишлайди.

Юсуф ЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қурилиш механизми машинисти

2015-yil 26-may, seshanba, № 65 (3570), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХАЙР, МАКТАБ! САЛОМ, КОЛЛЕЖ!

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бошланғич синф ўқитувчилари учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида етти номдаги методик қўлланма ҳамда уларнинг мултимедиали иловалари тайёрланди. Натижада, умумтаълим мактабларининг 1-синфларида барча фанлар тўлиқ илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда уларнинг чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиши, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиши, хорижий тилларни чуқур ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ фарзандларимиз билим масканига илк бор қадам қўйганданоқ хорижий тиллар ўқитилмоқда. Ўтган ўқув йилида биринчи синфлар учун 553 минг нусха инглиз, 21 минг нусха немис, 17 минг нусха француз тили дарсликлари, ўқитувчилар учун 22 минг нусха методик қўлланмалар чоп қилингани таълим самарадорлигини янада оширди. Болалар мактаб таълимининг илк босқичида қизиқарли савол-жавоб, ўйин тарзидаги машғулотлар орқали ўзга тил оламига олиб кирилган бўлса, иккинчи синфда чет тилидаги сўзларни гапириш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини эгаллади.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар меваси узоқ куттираётгани йўқ: ўтган йили нуфузли халқаро спорт тадбирларида қатнашган ўқувчилар 126 та олтин, 105 та кумуш, 160 та бронза медалини қўлга киритди. Жорий йилнинг ўзида 95 нафар ўқувчи турли халқаро мусиқа танловларида фахрли ўринларни эгаллади, уч нафар ўқувчи-қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Умумтаълим мактабларида "Хайр, мактаб! Салом, коллеж!" шиори остида ўтган тадбирларда ўқув йили давомида қўлга киритилган ана шу муваффақиятлар алоҳида қайд этилди.

Тадбирлар доирасида барча мактабларда "Замонавий билимлар билан замонавий касб-ҳунарга эга бўламиз!" шиори остида кўргазмалар ташкил этилди. Уларда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида эришилган ютуқлар, йил давомида ўқувчилар томонидан турли кўрик-танлов, фан ва спорт мусобақаларида қўлга киритилган муваффақиятлар, замонавий касб-ҳунарлар ҳақида маълумотлар акс этган стендлар, тўгаракларда яратилган буюмлар, деворий газеталар намойиш қилинди.

— Жорий ўқув йилида мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 483 мингдан зиёд ўқувчи тамомлади, — дейди Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Бу йилги маънавий-маърифий тадбирларда асосий эътибор ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва ўзлари қизиққан касб-ҳунар соҳаларига йўналтиришга қаратилди. Мактабларда бир неча бор сўровнома ўтказилиб, мактабни тамомлаётган ўқувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичини қайси ўқув даргоҳида давом эттириш истаги ўрганилди. Унга кўра ўғил-қизларнинг 8,7 фоизи академик лицейларда, 91,3 фоизи касб-ҳунар коллежларида ўқиш ниятида эканини билдирган. "Мен танлаган касбнинг келажак ҳаётимдаги ўрни" мавзусида иншолар танлови, "Касблар фестивали", "Очиқ эшиклар куни" ва бошқа тадбирлар, турли ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари, таълим муассасаларига уюштирилган саёҳат ва экскурсиялар ўқувчиларга ўз истакларини янада ойдинлаштириш имконини яратди.

...Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги 69-умумтаълим мактабидаги тадбир ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда бошланди. Байрамона безатилган мактаб қучоғи оппоқ кўйлаги ёқасига "капалакча" таққан болакайларнинг, сочларига лента боғлаган жажжи қизалоқларнинг чуғур-чуғурига, катта ҳаётга йўлланма олаётган ёшларнинг шодон кулгуларига тўлиб кетди.

Тадбирда фахрий устозлар, ўқитувчи-ю ота-оналар йиғилганларни байрам билан табриклаб, 9-синфни тамомлаётган ўқувчиларнинг кейинги ўқиш-у ишларида омад ёр бўлишини тилади. Президентимиз Ислом Каримов Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлар моҳияти ўқувчиларга яна бир бор тушунтирилиб, уларнинг Ватанни севиб, ардоқлаб, бугунги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, элюрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаши лозимлиги таъкидланди.

Ўтган ўқув йилида ўз қобилияти ва иқтидори билан билимлар беллашуви, турли спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаган ўқувчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фаоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлган ўғил-қизларга "Энг ибратли ўқувчи", "Энг фаол ўқувчи", "Ижодкор ўқувчи", "Ёш ихтирочи", "Мактабимиз фахри", "Спорт устаси", "Компютер устаси", "Энг ораста қиз" каби номинациялар бўйича фахрий ёрлиқлар топширилди.

— Ўтган ўқув йили жамоамиз учун улкан зафарлар йили бўлди, — дейди мактаб директори Раҳима Бобожонова. — "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2015" кўрик-танловининг туман босқичида математика фани ўқитувчиси Дилором Раимова 3-ўрин, бошланғич синф ўқитувчиси Дилрабо Тешабоева 2-ўринни қўлга киритди. Ўқувчиларимиз эришган муваффақиятлар ҳақида янада ғурурланиб гапириш мумкин. Беш нафар ўқувчимиз фан олимпиадасининг туман босқичида фахрли ўринларни эгаллаб, шаҳар босқичига йўлланма олган бўлса, "Билимлар беллашуви"нинг туман босқичида ўн нафар ёш иқтидор эгаси ўз салоҳиятини намоён этиб, юқори ўринларни қўлга киритди. Бу йил 106 нафар йигит-қиз 9-синфни тамомламоқда. Кечагина мактабга қадам қўйган жажжи болалар бугун катта ҳаёт бўсағасида турибди. Улар замонавий билим ва касб-ҳунар сирларидан хабардор этувчи лицей ва коллежлар сари отланмоқда.

...Қўнғироқ жаранги ўқувчиларни мустақил ҳаёт сари чорлайди. Эндиги ҳаётини, қилажак ишларини яна бир бор мулоҳаза қилишга, ўзи учун тўғри яшаш низомини белгилаб олишга ундайди. "Келажакда эзгу ишларга интилиб, буюк аждодларга муносиб бўлиб яшаш лозим!" Бу юксак масъулият, бу эзгу даъват бугунги қўнғироқ садосидек бир умр қалбларда жаранглаб туради.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида ўтказилган Жаҳон кубоги босқичи ҳамда «Happy Caravan" анъанавий халқаро турнири ниҳоясига етди.

НУФУЗЛИ ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ташкил этилган турнирларда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Россия, Латвия, Беларус, Болгария, Малайзия, Озарбайжон, Арманистон, Жанубий Африка Республикаси, Испания, Италия, Аргентина, Швейцария, Финляндия, Исроил ва бошқа мамлакатлардан келган энг кучли гимнастикачилар ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Дунёнинг кўплаб номдор спортчилари иштирокида бўлиб ўтган мусобақаларда ҳамюртларимиздан Анастасия Сердюкова, Сабина Ташкенбаева ва Нуринисо Усмонова совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди.

Жаҳон кубоги баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Сердюкова булавада бажариладиган машқда учинчи ўринни эгаллади. Мазкур мусобақада биринчи ўринни россиялик Маргарита Мамун эгаллаган бўлса, кумуш медал Катсярина Халкинага насиб этди.

Умидли ёш гимнастикачилар ўртасида ўтказилиб келинаётган «Happy Caravan" халқаро турнирида ҳамюртимиз Сабина Тошкенбоева бир йўла тўртта бронза медалга сазовор бўлди. Сабина тўп, арғамчи ва булава билан бажариладиган машқларда ҳамда кўпкурашда учинчи ўринни эгаллади.

Мазкур мусобақаларда иштирок этган яна бир юртдошимиз Нуринисо Усмонова ҳалқада бажариладиган машқда бронза медали совриндори бўлди.

КАРАТЭ

Қувайтда каратэ бўйича ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз спортчилари иккитадан олтин ва бронза медалига сазовор бўлди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ўттиз беш давлат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур мусобақада терма жамоамиз аъзолари барча медалларга кумитэ баҳсларида эришди.

Жумладан, терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни икки карра Осиё ўйинлари совриндори, Осиё чемпиони Барно Мирзаева ҳамда 2013 йилги Осиё чемпионати ғолиби, қатор халқаро турнирлар совриндори Садриддин Сайматов келтирди.

Ёш ва умидли спортчиларимиз Ғофуржон Зоҳидов ва Дилноза Бакирова бронза медал соҳибига айланишди.

ЭШКАК ЭШИШ

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларининг иккинчи босқичи давом этмоқда. Вакилларимиз ҳисобида ҳозирча уч медал мавжуд.

ОЛТИН, КУМУШ, БРОНЗА

1000 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича тўрт кишилик пойгада иштирок этган вакилларимиз марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтишди. Натижада, Жаҳон кубоги соҳибига айланишди.

500 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича яккалик баҳсларига киришган спортчимиз Дилноза Раҳматова кумуш медални ғазнамизга қўшиб қўйди. У, шунингдек, жамоадоши Нилуфар Зокирова билан жуфтликда 200 метр масофада ўтказилган беллашувларда учинчи бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

КЎРИК-ТАНЛОВ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги илк маротаба «Йилнинг энг яхши саҳна асари» кўрик-танловини уюштирди. Вазирлик тасарруфидаги маданият ва санъат коллежларининг иқтидорли ўқувчиларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган ушбу танлов ёшларнинг маҳоратини ўстиришга яна бир бор имкон яратди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ САҲНА АСАРИ

Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри саҳнасида тўрт кун мобайнида 10 та маданият ва санъат коллежининг жамоалари турли мавзуларга оид саҳна асарларини намойиш этишди.

Танловнинг якуний республика босқичи Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Натижаларга кўра, 3-ўрин Республика эстрада-цирк коллежи жамоасининг «Тўйми ё азами?» (Х.Хурсандов асари), 2-ўрин Тошкент маданият коллежининг «Ҳазилкаш шоҳ» (Қ.Муҳаммад асари) ва ниҳоят, Қ.Абдунабиевнинг Қарши санъат коллежи жамоаси намойиш этган «Ярадор қуш ёлғиз учади» асари 1-ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Сараланганлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнгида буюк ва устоз санъаткорларимиз ижод қилаётган театр саҳнасида «Йилнинг энг яхши саҳна асари» намойиш этилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
"Ishonch" мухбири

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Фарғона вилоят бошқармаси

қайта танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи:

ЛОТ-1.

ЛОТ-1.2. "Фарғона вилоят Фарғона шаҳар, Теракмозор (Қувасой) кўчасидаги жиноят ишлари бўйича суди биносини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **392 438 145 сўм ҚҚС сиз; 470 925 774 сўм ҚҚС билан;**

Муддати – **6 ой.**

Қурилиш-монтаж ишлари: Суд ва юстиция органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Фарғона вилоят бошқармаси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Оқ йўл кўчаси, 104-«А»уй, тел: 0 (373)226-04-03 (факс), 226-06-03.

Кичик бизнес субъектларига квота ўлчови 100%.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНГА ТУЗАТИШ

«Ko'char mulk savdo servis» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ishonch» газетасининг 16.05.2015 йилдаги №61 (3566)-сонида берилган хабарномада, 4-ЛОТ бошланғич баҳоси 396 548 152 сўм бўлган кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган жами 9 736 донадан иборат товар ва моддий бойликлари мужассам ҳолда қўйилмоқда деган жумласи:

4-ЛОТ бошланғич баҳоси 396 548 152 сўм бўлган кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган жами 9 739 донадан иборат товар ва моддий бойликлари мужассам ҳолда қўйилмоқда деб ўқилсин. **Хизматлар лицензияланган.**

***

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали томонидан "Биржа газетасининг 16.05.2015 йилдаги 57 (1924)-сони, «Ishonch» газетасининг 19.05.2015 йилдаги 62 (3567)-сони ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 19.05.2015 йилдаги 103(12.916)-сонида хабарномаси чоп этилиб, очиқ аукцион савдосига чиқарилган, "Миллий банк" ТИФ Тошкент вилоят бўлимига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 2/2-даҳаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 56,9 кв.м бўлган 3 хонали, балкон (2/6), поли паркетдан бўлган 40-хонадоннинг бошланғич баҳоси – 74 404 000 сўм деб ўқилсин.

Асос: "Миллий банк" ТИФ Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 21 майдаги МР-11/2490-сонли хати.

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0-371) 228 78 96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

ДУНЁ ВА ОДАМ

Олтин хазина



Хитойнинг Нанкин шаҳрида олиб борилган қурилиш ишлари вақтида Мин империяси даврига тегишли бўлган олтин хазинага лиқ тўла сағана топилди. Бу ҳақда Chine news хабар тарқатди.

Олтин тақинчоқларнинг кўплигига қарамасдан, сағанада топилган иккита қабр тоши энг қимматбаҳо топилма сифатида эътироф этилмоқда. Бу қабртошларда сағанага дафн этилган аёл ҳақида маълумотлар битилган. Олимларнинг аниқлашича, қабр сиёсий арбоб ва ҳарбий стратег Мэй хонимга тегишли бўлган.

Ғиштли сағана ичида топилган ёзувларда хитой тилида Мэй хоним Хитойнинг жануби-ғарбидаги вилоятни бошқарган князнинг онаси бўлгани ёзилган. Мэй хоним ўзининг ўғлига душман қабилалар ҳақида ва узоқ ўлкаларда тинчликни ўрнатиш бўйича сабоқ берган.

Сағанадан ёши 500 йилдан кўпроқни ташкил қилган хазиналар орасида олтин билакузуклар, руҳлар учун қутича ва соч тўғнағичлари топилган. Барча буюмлар турли қимматбаҳо тошлар, жумладан, ёқут, фируза, сапфирлар билан безалган.

Нанкин шаҳри музейи археологлари қабрни 2008 йилдан бери ўрганиб келишган. Мэй хонимнинг тошдан ишланган тобути сувдан шикастланган бўлса-да, хонимнинг жасади қолдиқлари бизнинг кунларгача етиб келган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Мэй хоним Хитойнинг жануби-ғарбидаги чегараолди вилояти Юннанни бошқарган Му Биннинг уч рафиқасидан бири бўлган.

Суратдаги сўз таржимаси

Google Translate'га рақобатчи сифатида "Яндекс" компанияси ҳам ўзининг суратдаги сўзни таржима қила оладиган сервисини яратди. Ҳозирда "Яндекс.Переводчик" 11 та тилдаги (инглиз, испан, италян, немис, поляк, португал, рус, турк, украин, француз ва чех) сўзларни таржима қила олади. Бу ҳақда yandex.ru хабар тарқатди.

Сервис икки — онлайн ҳамда офлайн режимда ишлайди. Доимий интернетдан фойдаланиш имкони бўлмаган вақтда керакли луғатни кўчириб олиб, сервисдан офлайн режимда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирда "Яндекс.Переводчик" фақатгина iOS платформасидаги қурилмалар учун чиқарилди. Компания Android смартфонлари учун илова ишлаб чиқарилиши ҳақида маълум қилмаган.

Совуқ ва иссиқнинг таъсири

Совуқ об-ҳаво иссиқ кунларга нисбатан инсонларнинг ўлимига кўпроқ сабабчи бўлиши аниқланди. Бу ҳақда The Lancet журнали хабар тарқатди.

АҚШлик олимлар 1985 йилдан 2015 йилгача тадқиқотлар олиб бориб, дунёнинг 384 шаҳридаги об-ҳавони кузатишди. Шундай қилиб, дунёнинг 13 мамлакатидан 73 млн. кишининг ўлими тадқиқ қилинди. Хулосалар шуни кўрсатдики, 7,3 фоиз ҳолатда совуқ ҳаво, атиги 0,4 фоиз ҳолатда жазирама ўлимга сабабчи бўлган.

Олимлар яна бир қизиқ маълумотни ошкор қилишди. 11 фоиз ҳолатдагина фавқулодда вазиятлар кишиларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлган. Ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқ об-ҳаво муҳитида кишиларнинг нисбатан камроқ ҳалок бўлиши олимларни ҳайрон қолдирди. Бундай вазиятларда одам организми ёмонроқ вазиятларга тайёрланиши, иммунитет тизими бор кучи билан ишлашга тушиши аниқланди.

Интернет материаллари асосида
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси
Шарофат РАЗЗОҚОВА тайёрлади.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:50**
Topshirildi — **22:20**

2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133